



Мирзо Улугбек даврида Самарканд ва бутун Мовароуннахрда табиий фанлар баробарида бадиий адабиёт ҳам юксак даражада тараккий этган. Манбаларда Улугбекнинг адиблар ҳамда бадиий адабиётга муносабати хакида мухим маълумотлар мавжуд. Алишер Навоийнинг "Мажолис ун-нафоис", Фахрий Херавийнинг "Равзат ус-салотин" ва Абу Тохирхожанинг "Самария" асарларида Улугбек кўпроқ астрономия илми билан шугулланса-да, гохида назмга майл килгани таъкидланиб, унинг каламига мансуб куйидаги форсий байт келтирилади:

Мирзо Улугбек даврида Самарканд ва бутун Мовароуннахрда табиий фанлар баробарида бадиий адабиёт ҳам юксак даражада тараккий этган. Манбаларда Улугбекнинг адиблар ҳамда бадиий адабиётга муносабати хакида мухим маълумотлар мавжуд. Алишер Навоийнинг "Мажолис ун-нафоис", Фахрий Херавийнинг "Равзат ус-салотин" ва Абу Тохирхожанинг "Самария" асарларида Улугбек кўпроқ астрономия илми билан шугулланса-да, гохида назмга майл килгани таъкидланиб, унинг каламига мансуб куйидаги форсий байт келтирилади:

Харчанд мулки хусн ба зери нигини туст,
Шўхи макунки, чашми бадон дар камини туст.

Мазмуни:

Гўзаллик мулки харчанд кўл остингда бўлса-да,
Шўхлик килмагилки, ёмонларнинг кўзи сенга тикилган.

Мирзо Улугбек факат замондош адиблар эмас, балки ўз давридан бир неча аср олдин яшаб ўтган кўплаб шоирлар ижодидан ҳам чуқур хабардор бўлиб, шеъриятнинг катта мухлиси ва билимдони сифатида ном козонган. Давлатшоҳ Самаркандийнинг 1486 йили ёзиб тугатилган "Тазкират уш-шуаро" асарида бу ҳақда бир канча маълумотлар мавжуд. Давлатшоҳ озарбойжонлик йирик шоир Афзалиддин Хоконий (1120 - 1199)нинг устози Фалакий Ширвоний (1107 - 1146) хакида ёзар экан, жумладан, шундай дейди: "Фалакийнинг девонини подшохи мағфур Улугбек Кўрагоннинг хузурига элтдилар. Мутолаа килди, писанд этти ва дедикки, ажаб тахаллуси бор турур". Бу ўринда шуни таъкидлаб ўтиш керакки, ширвонлик шоир фалакийётга кизикиб, илми нужум билан шугулланган ва Фалакий тахаллусини танлагани сабаби ҳам шу бўлган.

Сайфиддин Исфарангий хакида "Тазкират уш-шуаро"да куйидаги маълумотлар мавжуд: "Исфаранг Мовароуннахрда бир мавзенинг отидур ва мавлоно Сайфиддин толиби илм ва ахли фазл эрди ва суханварликда анга мартабаи олий бор турур ва анинг девони машхур ва мутаориф турур. Улугбек Кўрагоннинг мажлисида анинг девонини доимо уламо ва фузало мутолаа килур эрдилар ва анинг суханини Асириддиннинг суханига таржих килур эрдилар". (Хар иккала иктибос ва бундан кейин Давлатшоҳ асаридан

келтирилган парчалар форсийдан Мухаммад Рафеъ Рожий таржимасидан олинди.) Бундан маълум бўладики, Мирзо Улугбек саройидаги адабий мажлисларда Сайфиддин Исфарангий ва Асириддин Ахсикатий асарлари бир-бирига муқояса қилиб ўқилган ва бу икки шоирдан қайси бири маҳорат бобида устунлиги ҳақида фикр-мулоҳазалар айтилган. Шуниси диққатга сазоворки, бирон-бир шоир ижоди ҳақида кўп ҳолларда Улугбекнинг ўз мустақил фикри бўлиб, у ўша даврдаги умум фикри ёки бошқа адабиёт мухлисларининг мулоҳазаларига доим ҳам мос келмаган.

Давлатшоҳ 12 - 13 асрларда Эронда яшаб ўтган ота-ўғил шоирлар: Жамолиддин ва Камолиддин Исфохонийлар ҳақида шундай ёзади: "Малик ул-фузало Жамолиддин Мухаммад Абдураззоқ Исфохоний Исфохоннинг ақобир ва уламоларидин турур. Шоири хушгўй эрди, жоҳу мартаба ва қабули тамоми бор эрди ва Камолиддин Исмоил анинг ўғли турур. Султони сайд Улугбек Кўрагон Жамолиддин Мухаммаднинг суханини Камолиддин Исмоилнинг суханига таржих қилур эрди ва борҳо айтур эрди: "Манга ажаб кўринурким, бовужуди отанинг сухани покизарок ва шоиронарок турур, ўғулнинг сухани нечук шухрат топиб турур". Улугбекнинг ушбу фикрини баён қилган Давлатшоҳ Самарқандий асарининг айна шу саҳифасида унга эътироз ҳам билдиради: "Аммо бу эътиқоди муқобара ва даъвои бедалил турур, чароқим Камолнинг сухани бағоят нозиктар турур ва зоҳири осон, ҳақиқати машаққат турур. Аммо подшоҳларнинг суханига ирод ва ишқол теғурмак авомнинг ҳадди эрмастурурким, қалом ал-мулук, мулук ал-қалом".

Темурийлар хонадонидида "ҳамсахонлик", "шоҳномаҳонлик" оилавий бир анъанага айлангани манбалардан яхши маълум. Улугбекнинг уқаси Бойсунгур мирзо "Шоҳнома"нинг турли нусхаларини тўплаб, ҳозирги тил билан айтганда, илмий-танқидий матнини туздирган бўлса, Фаҳриддин Али Кошифийнинг "Латоиф ат-тавоиф" асарида келтирилишича, Улугбек мирзо мажлисларида ҳам "Шоҳнома" ўқилиб, унинг қийин жойларининг мазмун-маъноси муҳокама этилган. Табиийки, шахзодалар ўртасида адабиётга доир баҳс ва тортишувлар бўлиб турган. Бу ҳақда Давлатшоҳ қуйидагича ёзади: "Амирзода Бойсунгур Амир Хисрав Дехлавийнинг "Ҳамса"сини Шайх Низомийнинг "Ҳамса"сига таржих қилур эрди ва ҳокони мағфур Улугбек баҳодир бу маънини қабул қилмас эрди ва Шайх Низомийга муътақид эрди ва бу икки подшоҳнинг орасида қаррот маррот таассуб ҳосил бўлгон, ҳар бирлари бир шоирга ҳимоят бўлгон эрди". Ушбу жумлаларни Мухаммад Рафеъ бир оз ўзгартириб таржима қилган бўлса-да, умумий мазмун бузилмаган. Бирок Бўрибой Аҳмедовнинг "Давлатшоҳ Самарқандий" рисоласида охириги жумла таржимасида бир қанча хатоларга ёл қўйилган бўлиб, у ўқувчида ақа-уқа шахзодалар ҳақида нотўғри тасаввур уйғотади: "Шу сабабдан бу икки подшоҳ ўртасида ранжиш ва жирқаниш воқе бўлган ва уларнинг ҳар бири бир шоирга ҳимоят қилган эди". Ҳолбуки, асар аслиятида "ранжиш" ва "жирқаниш" сўзлари умуман мавжуд эмас. Муқояса учун ушбу жумла аслиятини келтирамиз: "Мобайни ин ду шахзодаи фозил ба қаррот жиҳати ин даъво таассуб даст дода, байт-байт "Ҳамсатайн" ро боҳам муқобил қардаанд". Сўзма-сўз таржимаси: "Бу икки фозил шахзода ўртасида ушбу даъво юзасидан кўп бора қаттиқ тортишувлар юз бериб, улар биргалиқда иққала "Ҳамса"ни байтма-байт қиёслаб қикдилар".

Демак, улуг аждодларимиз ҳақидаги нодир маълумотларни ўз ичига олган мўътабар манбаларни тадқиқ ва таржима қилиш ишларига ҳалоллик, масъулият билан

ёндашмогимиз зарур.

Мирзо Улугбек бошка ўлкаларга сафарлари пайтида ҳам адиблар, уларнинг асарлари хақидаги хабарларга кизиқиш билан караган ва унинг бу хислатини билган замондошлари совга тарикасида бадиий китоблар такдим этишган. "Тазкират уш-шуаро"нинг Муиниддин Жувайний хақидаги фаслида ушбу маълумотлар мавжуд: "Китоби "Нигористон" ким мавлоно Муинийнинг мусаннафотидин турур, шайх Саъдийнинг "Гулистон"и тарзида ёзгон турур, аммо ул китобдин баситрок (кенгрок) турур ва донишмандона айтгон турур, наводир ва амсол ва муфид хикматлар анда дарж килгон турур. Бахрободнинг машойхлари ул китобни Улугбек мирзога пешкаш килдилар. Вақтидаким, Улугбек мирзо Ирокга юриш килгон махалда Бахрободнинг акобирлари зиёратига келган эрди. Подшоҳ буюрди, то ул китобни хатти хуб ва такаллуфи тамом била ёздилар ва хамиша ул китобни мутолаа килур эрди ва писандида тутар эрди. Ул китоб Мовароуннахрда багоят машхур турур, аммо Хуросонда камёб турур, алхак, нусхайи мустаидона (тайёр, кўл остида) турур ва бу икки хикоят ул китобдин битилди". Хиротда яшаб, ижод килган Давлатшоҳ шу тарзда Улугбек кадрлаган "Нигористон" асари Хуросонда камёб бўлса-да, бир нусхаси ўзида борлигини англариб, ундан иккита хикоятни "Тазкират уш-шуаро"да келтиради. Абу Райхон Беруний номидаги ЎзРФА Шаркшунослик институти хазинасида "Нигористон" асарининг бир неча кўлөзма нусхалари мавжуд.

Мирзо Улугбек замонида Мовароуннахр ва Хуросонда бадиий адабиёт асосан икки тилда - туркий ва форсий тилларда тараккий этган. Лutfий, Атойи, Саккокий, Харимий Каландар каби шоирлар туркий тилда, Мир Косим Анвор, Хожа Исматуллох Бухорий, Бисотий Самаркандий, Хаёлий Бухорий каби шоирлар форс тилида ижод килишган ва уларнинг меросидан муайян қисми бизнинг давримизгача етиб келган. Улугбек ўз даври шоирлари асарларини яхши билган ва улардан кўпчилиги билан бевосита муносабатда бўлган. Даврнинг устоз шоирларидан бири Хожа Исматуллох Бухорий бўлиб, у ҳақда Давлатшоҳ Самаркандий шундай ёзади: "Аммо Хожа Исмат Улугбек Кўрагоннинг замони салтанатида маддохликни тарк килди ва султони мазкур андин шеър истидъо килди. Биззарура ул хазратнинг мадҳида бир неча касидага киём кўргузди ва ахир холда шоирликдин истеъфо килди. Хаамиша анинг шариф мажлиси максади шуаро ва мажмаъи фузало эрди. Акобир ва шуароким Хожа Исматга мусохиб ва хамаср эрдилар, ул жумла: мавлоно Бисотий Самаркандий, мавлоно Хаёлий Бухорий, мавлоно Бурундук, Хожа Рустам Жузконий, Тохир Обивардий турур. Хожа Исматнинг вафоти Улугбек Кўрагоннинг замонида 829 санада (мелодий 1426 йил) эрди".

Абу Райхон Беруний номидаги ЎзРФА Шаркшунослик институтида Исматуллох Бухорий "Девон"ининг бир неча нусхаси мавжуд ва улар орасида нисбатан тўлиги 1435-ракамли кўлөзмадир. Бу кўлөзма 193 варак бўлиб, унинг салмокли қисми, яъни 100 варакдан ошикроги касидалардан иборат. Халил Султон мадҳида ўндан ошик, Шохрух, Бойсунгур ва Иброхим Султонлар мадҳида биттадан касида бор. Улугбекка бағишланган 6 касида бўлиб, биттаси арабча, колгани форс тилидадир. Жанр талабига кўра шоир мамдухни муболагали

тарзда таъриф-тавсиф килади. Боз устига, услуби мураккаб касидалар нимшикаста хатида кўчирилган. Шунга карамай, улар синчиклаб тадқиқ этилса, Улугбек шахсиятига

доир янги маълумотлар топилиши мумкин. "Маъдани фазлу балогат, махзану илму хикам" дея улуглайди уни шоир ва куйидаги сингари баландпарвоз, биров кўп жихатдан вокеликка мос сатрлар-ла васф этади:

Эй фалак кадру офтобато,
Пешвойи замона, хомийи дин.
Ей хунарпарварине, накди улум
Жумла дар ганжи табъи туст дафин.

Мазмуни:

Эй фалакмисол (илм) офтобини ато этувчи,
Замона пешвоси, дин хомийси.
Истеъдодларни парваришловчи, жами илмлар накди
Сенинг хотиринг хазинасига жойлашган.

Мирзо Улугбекнинг лакаби ё унвони баъзи манбаларда "Магисуддин" тарзида келтирилса, замондош муаррих Муиниддин Натанзий "Гиёсиддин Улугбек баходир" деб ёзади. Исматуллох Бухорий касидаларида эса, "Захириддин Улугбек" деб ёзилган.

Бадахший тахаллусли яна бир шоирнинг тавсифи куйидагича: "Мавлоно Бадахший фузалонинг жумласидин турур, Самарканд шахрида Улугбек Кўрагоннинг айёми давлатида анга суханварликда олий мартаба бор эрди ва ул замоннинг шуароларининг саромади эрди ва султони мазкур ва замоннинг акобирлари ани суханварликда мусаллам тутар эрдилар ва подшохи мазкурнинг мадхида анга покиза касидалар бор турур ва анинг девони ул диёрда машхур турур".

Давлатшоҳ Самаркандийнинг бу маълумотини Алишер Навоий ҳам тасдиқлайди:

"Мавлоно Бадахший фозил киши эрмиш. Улугбек мирзо замонида Самаркандда шуаро ани хушгўйликга мусаллам тутубдурлар. Ва Мирзонинг даги кўп илтифоти бор эрмиш" ("Мажолис ун-нафоис").

Алишер Навоий Улугбек билан муносабатда бўлган яна бир шоир хақида шундай ёзади: "Мавлоно Мухаммад Олим Самарканд уламосидин. Улугбек мирзо била хамсабак ва мусохиб эрди. Аммо багоят далер ва шўхтабъ ва хийра киши эрди. Бахсда кўп гўстохона сўзлар ва жавоблар айтур эрди. Салтанати азим-уш-шоъний тахаммул кила олмади. Самарканддин анга ихрож хукми бўлуб Хирийга келди ва мунда мавлононинг макдамин ганимат тутдилар ва сокин бўлди".

"Мажолис ун-нафоис"нинг иккинчи мажлисида, яъни Алишер Навоий ёшлик пайтларида мулоқот қилган адиблар каторида куйидаги самаркандлик шоирлар номи зикр этилади:

"Мавлоно Мир Карший - Самаркандда бўлур эрди ва бозорда саххофлик дўкони бор эрди, зурафо анда жамъ бўлурлар эрди ва мавлоно ўзин ул хайлга устод тутар эрди. Мавлоно Жавхарий ҳам самаркандлигдур, собунхона мушрифиди эрди, ҳам собунхона эшигида кўчанинг ўртасида ўзи учун хужрагина ясаб эрди. Аруз билур эрди ва "Сияр ун-наби" назм қилиб эрди.

Мавлоно Ховарий ҳам самаркандлигдур ва дарзигар(тикувчи)ликка мансуб эрди.

Бадихани равон айтур эрди ва табъи хийли шўх эрди.

Мавлоно Халвой хам самаркандлигдур. Шукуфта табълик, яхши чиройлик йигит эрди. Шабоб (ёшлик) айёмида фавт бўлди. Умри киска учун сўзининг шухрати хам оздур".

Юкоридаги шоирларнинг баъзиларининг ижодий фаолияти Мирзо Улугбек даврида бошланганини тахмин килиш мумкин.

Номлари "Мажолис ун-нафоис"нинг иккинчи мажлисида зикр этилган Самарканддан етишиб чиккан баъзи шоирлар туркий тилда ижод килганлар.

"Харимий Каландар - Самарканд вилоятидин эрди. Толиби илмлиги хам бор эрди. Бу туркча матлаъ анингдурким:

Неча йиглай шамъдек хажрингда, ёрим, кечалар,
Охким, куйдирди доги интизорим кечалар";

"Мирзо Хожи Сўгдий хам самаркандлигдур ва ул мулкнинг одамизодаларидиндур. Агарчи баъзи махалда гариб нималар табъидин бош урар эрди. Бу байтда хили сўз ранги ва чошниси борким:

Ўхшатти коматингга санавбарни богбон,
Бечора билмас эрмиш алифдин таёгни.

Бугина масални яхшигина боглагон учун умид улким, Тангри таоло анга рахмат килмиш бўлгай. Кабри хам ўз мулкидадур.

Мавлоно Саккокий Мовароуннахрдиндур. Самарканд ахли анга кўп муътакиддурлар ва багоят таърифин килурлар".

Алишер Навоий бошка вилоятларга мансуб бўлсалар-да, хаёти ва фаолиятлари кисман Улугбек даврига тўгри келадиган Лутфий, Якийий, Атойи, Мукийий, Камолий, Латифий каби туркий тилда ижод килган шоирлар хакида маълумот беради. Булар орасида энг йирик шоир, шубхасиз, Навоий "Малик ул-калом" дея улуглаган мавлоно Лутфий эди. Афсуски, Лутфий мероси бизга тўлигича етиб келмаган. Айникса, унинг туркий тилдаги назмий "Зафарнома"си сакланиб колмагани ачинарлидир. Мазкур асарда темурий шахзодалар, жумладан, Улугбекка багишланган сатрлар бўлганини катта ишонч билан тахмин килиш мумкин. Шунга карамай, Лутфий девонидаги битта байт оркали биз унинг Улугбек билан муносабати хакида муайян тасаввурга эга бўламиз:

Улугбекхон билур Лутфий камолин,
Ки рангин шеъри Салмондин колишмас.

Лутфий ўзини машхур форс шоири Салмон Соважийга тенглаштирган бу фахрия байт, бир тарафдан, Улугбек Лутфий ижодини яхши билганидан далолат берса, иккинчи тарафдан, замондош шоирлар Улугбекнинг адабиёт билимдони эканлигини эътироф килиб, унинг бу сохадаги фикр-мулохазаларини кадрлаганликларини кўрсатадики, буни ўз вақтида Е.Е.Бертелс хам таъкидлаб ўтган эди. Е.Е.Бертелснинг шогирди Э.Рустамов ўзининг Улугбек давридаги туркий адабиёт тадқиқи багишланган "ХВ аср биринчи ярмида ўзбек шеърияти" монографиясида шундай ёзади: "Улугбек даврида Самаркандда худди Хиротдаги каби кадимги туркий адабиёт ёдгорликларини ўрганишга

кизикиш кучайган. 1444 йили Самаркандда Арслонхожа тархон хошишига кўра, Адиб Ахмад Югнакийнинг машхур достони "Хибат ул-хакойик" уйгур ёзувида кўчирилган. Достон матнига илова тарзида Адиб Ахмад ва унинг асарига багишланган иккита туркий шеър келтирилган. Улардан бирининг муаллифи амир Сайфиддин Барлос, иккинчисиники Арслонхожа тархондир. Бу шеърлар муаллифларнинг қадимги туркий адабий ёдгорликларга бўлган катта мухаббатларидан далолат беради".

Бундан кўринадики, ўша даврда фақат Улугбекнинг ўзигина эмас, балки амирлари ҳам илму фан ва адабиётга хомийлик қилганлар. Шоир Саккокийнинг "Девон"ида Улугбекка багишланган қасидалар қаторида Арслонхожа тархонга багишланган қасидалар ҳам борлиги бежиз эмас. Улугбек мадҳидаги қасидасида Саккокий ўзининг туркий тилда ижод қилишидан фахрланиб, қуйидаги байтни битган:

Фалак йиллар керак сайр этсаю, келтурса илкига,
Менингдек шоири туркию, сенингдек шохи донони.

Мирзо Улугбек даврида ижтимоий фанлар ривожига ҳам катта эътибор берилган. Бу даврда туркий тилнинг адабий ва илмий тил сифатидаги мавқеи тобора ошиб борган. Адабиётшуносликка оид қимматли асар, хижрий 840 (мелодий 1436-1437) йили туркий тилда ёзилган "Фунун ул-балог" ("Етуклик илмлари") муаллифи Шайх Ахмад ибн Худойдод Тарозий ўз китобини Мирзо Улугбекка багишлаб, муқаддимада шундай ёзади:

"Ул салтанат дарёсининг гавхари ва маъдилат конининг жавхари, саховат боронининг абри ва шижоат бешасининг бабри, фаросат сипехрининг мохи, қаёсат мамлакатининг шохи, шаханшохи аъзам, шахриёри аълам, сохибус сайф ва-л калам, фармондехи турку арабу ажам, магисиддин ва-д даврон амир Улугбек Кўрагон".

Асарни нашрга тайёрлаган А.Хайитметовнинг ёзишича: "Илгари ўтган адабиётшунос олимлар адабиёт назарияси бўйича китоб ёзганларида кўпинча бир - ё шеър турлари, ёки вазн, ёки бадиий санъат масаласига тўхталганлар ёки бирор шеърини жанр хусусиятларини ёритиб берганлар. Шайх Ахмад эса, бу соҳада муқаммал бир кўлланма яратишни, ўз рисоласида назария масалаларининг барчасини ёритиб, таҳлил қилиб беришни ният қилади, токи уни ўқиган кишилар назариядан мумкин қадар тўла маълумот ва фойда олсинлар... Бу унинг ўзбек адабиётшунослик илми тараккиётига қўшган катта хиссаси эди".

Ахмад Тарозий ўз даврининг таникли шоири ҳам бўлган. Бобур арузга багишланган "Мухтасар" асарида унинг ижодидан икки байт мисол келтирган бўлиб, байтлардан бири одатдан ташқари чўзик ва ўзига хос:

Кўрди кўзум сахар чаман ичида бир паривашеким, юзи гул, тани суман, зулфи бинафша,
қадди сарви сихий эрди, лаб шақар, Лола ўзидин ўтаниб, даъвосидин суман тониб, эрди
бинафша бош солиб, сарву чинору кож (игна баргли дарахт) ҳам бўлди қаддин кўруб
дигар.

Хулоса сифатида шуни айтиш мумкинки, 15 аср биринчи ярмида Самарканд ва

Мовароуннахрда фақат табиий фанлар ва меъморлик санъати эмас, балки бадиий адабиёт ва адабиётшуносликнинг гуллаб-яшнашида ҳам Мирзо Улугбекнинг хомий сифатида қўллаб-қувватлаши ва рағбатлантириши катта ахамиятга эга бўлган.

Гулом Каримий
“Маърифат” газетасидан олинди.